

**Республикаси Олий ва Ўрта Махсус Таълим
Вазирлиги
Тошкент Давлат Шарқшунослик институти**

**«Тилшунослик билимлари тарихи»
танлов фанидан
Маъруза матни**

Магистратура 1-курс, 1-семестр талабалари учун

Хажми: 28с.

Маъруза-14с.

Амалий-14с.

Мустакил таълим-40с.

1 – Мавзу: **Ҳинд тилшунослик анъаналари**

Маъруза режаси:

1. Панини ва Чандр яратган грамматикалар хусусида
2. Ундистралар – Панини ва Чандр яратган грамматикаларга битилган иловалар
3. Шарҳловчи адабиётларнинг асосий вазифаси

Таянч иборалар:

Санскрит, пракрит, пратишакхйа, фонетик трактат, товушлар, унлилар, ундошлар, упадисутралар, шарҳловчи адабиётлар

«Грамматикалар, упадисутралар, шарҳлар»

Ҳиндистонда тилшунослик анъаналари эрамиздан аввалги 1 – мингйилликнинг 1 – ярмидан то шу кунга қадар шаклланиб келмоқда. Бу анъана аввало, авлоддан авлодга оғзаки етказиб келинаётган санскритда ёзилган матнларни турли ғализликдан сақлаш эҳтиёжи орасида пайдо бўлган.

Тилшуносликнинг энг биринчи босқичи пратишакхьялар – фонетик трактатлар билан характерланади. Улар тарқоқ ҳолдаги грамматик кузатишларни ўз ичига олган бўлиб, нутқни товушлар классификацияси билан аҳамиятлидир.

Тилшунослик анъаналарининг кейинги давлари санскритни тарғиб этувчи матнларнинг қуйидаги асосий турлари билан белгиланади:

1. Грамматика

Улардан энг асосийси Панинининг «Саккиз китоби»дир (эрамиздан аввалги 5-аср). Чандра (5-аср) ва Жайнендрнинг (7-аср) асарларини ҳам тилга олиш зарур. Бу давр грамматикалари – тахминан 4 минг қоида (*su:tra*) лардан иборат, ниҳоятда изох талаб, чигал тушунтиришлардан таркиб топган.

Бу грамматика учун асосий материал бўлиб, маънолари кўрсатилган негизларнинг тўлиқ рўйхати, от, равиш, кўмакчи сўзлар ва аффиксларни ўз ичига олган 200 та рўйхат хизмат қилган.

Бу грамматиканинг вазифаси материалга таяниб, санскритнинг морфологик, морфологик, камида синтактик сатҳини яратишдир.

Бунинг учун ясама морфемалар системаси – апивандха қўлланилади. Улар одатда бир морфемали бўлиб, табиий морфемалар (негиз ва аффикслар)га қўшилади. Қуйидаги атамалар ишлаб чиқилди: *dha:tu* – «негиз», *sata:sa* – «компози́та», *pratipadika* «от негиз», *pratyaya*

«постфикс», *pada* «ўзгарувчи сўзнинг шакли», *avyaya* «ўзгармас» бунга – равишдош, равиш, предлоглар, инфинитив ва ҳоказолар киради.

II. Панини ва Чандра грамматикаларига «Упадисутра»лар илова қилинган. Упадисутралар - ўлик суффикслар билан ясалган исмларнинг рўйхати. Ўз таркибига 1,5 минг луғавий бирликни олган.

III. Шарҳлар – улар асосан «Саккиз китоб»га кирган матнлар учун ёзилган. Улардан муҳимлари: Катаянанинг «*Varttika*» («Тўлдириш»лар) китоби (эрамиздан аввалги 3-аср); Патанталининг «*Mahabhasya*» («Буюк шарҳ») (эрамиздан аввалги 2-аср); Вамани ва Жаудитянинг «*Kasika*» (7-аср); Нагешанинг «*Uddyota*» (18-аср) асарларидир.

Бу асарларнинг 1-вазифаси сутраларни мисоллар билан таъминлаш, берилган қоидаларни изоҳлаш. Йўл-йўлакай баъзи умумий тилшуносликка оид муаммолар ҳам кўриб чиқилади. Грамматикада мавжуд бўлмаган тушунчалар киритилган. Булар – *adhikara* «оператор ҳавслари», *paribhasa* «метақоида». Сўзларнинг сўз туркумлари бўйича классификацияси берилган. Булар – от, феъл, приставка – предлог, кўмакчи.

Шу ерда Нагешанинг умумлаштирувчи асарлари келтирилган, жумладан *Paribhasendusekhara* (метақоидалар тўплами) берилган.

Нагешининг мақсадлари санскритни эмас, тавсифлашнинг грамматик жиҳатидир.

Савол ва топшириқлар:

1. Тилшунослик билимлари асосан қандай асарларда ўз ифодасини топган?
2. Панини ва Чандрнинг грамматикалари ҳақида сўзлаб беринг.
3. Упадисутралар – нима?
4. Шарҳловчи адабиётлар нима мақсадда ёзилган?

2 – Мавзу: «Лугатлар укув кулланмалар»

Мавзу режаси:

1. Лугатларнинг асосий белгилари.
2. Амарсингх яратган «*Namalinganucasana*» лугатининг ахамияти.
3. Укув кулланмаларининг асосий булимлари.

Таянч иборалар:

«Олий катлам», сутралар, атокли отлар, турдош отлар, архаизм, равиш, кумакчи суз, синонимлар, омонимлар, куп маъноли сузлар, тилнинг жинси

Лугатлар вазнга солинган ҳолда тузилган. Улар ҳам грамматикалар каби ёд олиш учун яратилган. Уларнинг таркибида 7 мингдан 14 минггача суз булган. Сузлар 2 гуруҳга оид:

а) отлар – атокли отлар. Булар худоларнинг, эпос кахрамонлари, топонимларнинг номлари. Турдош отлар – предмет номини билдирган отлар, мавхум отлар, сифатлар. Булар бир булиб отларнинг асосий лугавий бойлигини ташкил этади. Сузларнинг кучма маънолари, архаизмлар, баъзи касб-хунар билан боглик сузлар лугатдан урин олмаган.

б) равиш ва кумакчи сузларнинг тулик руйхати шарх билан берилган.

Амарасингхнинг *Namalinganucasana* («Отлар ва уларнинг грамматик жинсини ургатишлар») лугати (5-аср) 3 та китобга булинади:

1- китобда синонимлар тупланган. Унинг «Самолар» ва «Дузах» бобларида «олий» катлам худолар, коинот, борлик, замон, макон, илм, санъат билан боглик сузлар, шунингдек, «ерости» ва «сув» билан боглик сузлар жой олган.

2 – китоб ердаги хаётга багишланган. Унинг «Ер», «Шахар», «Тоглар», «Усимликлар», «Хайвонлар», «Одам» каби булимлари бор. 4 булим хинд жамиятининг табакалари.

3 – китоб «Мажмуа» деб аталиб, 6 бобдан иборат. Бобларнинг номлари «Сифатлар» (Улар жонли предметларнинг номларини аниклаб келади – 1боб), 2 – бобда жонсиз предметларнинг белгиларини билдирувчи сифатлар, 3 – бобда умумий тушунчалар, 4 – бобда охирида келган ундошларнинг алифбо тартибда жойлашган куп маъноли сузлар ва омонимлар, 5 – бобда узгармас сузлар, 6-бобда ясама отларнинг жинсини аниклаш коидалари берилган.

Халаюдха ва Хемачандр лугатлари худди шу тартибда тузилган. (12 - аср)

Укув кулланмалари.

Укув кулланмалари асосан Панинининг асарига таяниб яратилган. Уларнинг энг яхшиси – «Бхатто *jidiksit*нинг *Siddhanta kaumudi*» - «Тамойиллар таралаётган ой ёгдуси» (17-аср) деб аталади. Вопадаванинг грамматикаси ҳам шулар сирасига киради (14-аср). У Панинининг «Саккиз китоби»дан кура соддарок яратилган.

Санскритга доир асарларга пракритлар хакидаги асарлар киради. Чунки пракритлар уша давр олимлари томонидан санскритнинг услубий курунишларидан бири деб каралган. Практиклар барча тил сатхларида санскритча эталондан чекинишлар мажмуи деб тавсифланади. Практикга доир грамматикалардаги сутраларида (автор) Вараручи, Хемчандрлар санскритга фонема, суффикслар, кушимчалар, негизлар, узаклар ва кумакчи сузларнинг санскритдаги худди шу тил бирликлари билан урин олиши кетма-кет ёзилган.

Тавсифлашдан яхши куринадики, пракрит бир тил тизими деб курсатилмаган. Практик грамматикаси санскрит грамматикасидаги 4000 тадан фаркли уларок 400 та сутрани уз ичига олган. Практик глоссарийлари (*decīnamāla*) таркибига факат коидага кура ясалган сузлар киритилган.

6-7 асрлардан фонетика, санскрит грамматикасининг айрим масалаларига доир ишлар, мумтоз адибларнинг тилдаги алохида хусусиятларига багишланган асарлар, архаизм лугатлари яратила бошланди.

Пали тили санскритга ухшаш холда тавсифланади, аммо Каччаяна (асримизнинг боши), Монана (12-аср), Аггаванс (12-аср) лар яратган грамматикалар анча паст савияга эга. Abhidhanappadipika лугати (11-аср) эса Амарсингх лугатига жуда ухшайди.

Асримизнинг бошларидан вайякаран, ньяя ва миманса фалсафий мактабларида семантика масалалари – сигнификат белгилари, баъзи сузларнинг маъноси билан худди шу сузлардан тузилган гап билдирган маъно уртасидаги мутаносиблик, психолингвистиканинг баъзи масалалари кетма-кет ишланиб чикилди.

Хинд тилшунослик анъаналари Осиёнинг жуда куп тилшунослик анъаналарининг шаклланиши ва ривожига самарали таъсир курсатди ва албатта, хинд-европашунослигининг тугилишига замин яратди.

Савол ва топшириklar:

1. Лугатлар кандай тузилган?
2. Уларнинг таркибига кайси сузлар кирган?
3. Амарсингх яратган лугатни таърифланг.
4. Укув кулланмалари кайси асосда яратилган?

3- Мавзу: «Бимз грамматикаси»

Мавзу режаси:

1. Ж.Бимз грамматикаси тартиби.
2. «Кириш» кисмидаги тил масалалари.
3. «Фонетика» бобби хакида.

Таянч иборалар:

Орий тиллари, асос - тил, брахман, веда, санскрит, фонетика, узак, негиз, морфологик система, уртахинд тиллари, янгихинд тиллари.

Утган аср 70-йилларида англиз олими Жон Бимзнинг «Хозирги замон орий тилларнинг киёсий грамматикаси» деб номланган 3 томли китоби Чоп этилган эди. Тилшуносликка оид билимлар сохиби булган муаллиф куп йиллар Хиндистонда англизлар маъмурияти идорасида ишлаган булиб, куп хинд тилларини биларди. У жуда куп тадқиқот ишларини олиб борганди. У уша пайтгача мавжуд булган янгихинд тиллари буйича ёзилган грамматикаларни туплаганди.

Бимз грамматикасида 7 янгихинд тиллари буйича материал мавжуд: хиндий, панжобий, синдхий, гужратий, маратхий, ория, банголий. Булардан ташкари непали, циган, ражастханий тиллари билан боглик тил фактлари келтирилган. Йирик тиллардан – ассам ва сингал буйича маълумотлар йук, сабаби у пайтда улар етарли урганилмаган эди.

Янгихинд тиллари учун асосий тил килиб автор санскритни олади. Бунда у веда тили ва санскритга доир барча жанрларни назарда тутди. У шунга ургу бериб ёзадики, Янгихинд тиллари брахманлар адабий тил даражасига чиқарган санскритга эмас, санскритнинг сузлашув формасига бориб такалади.

Аввало, шуни айтиш керакки, санскрит қачонлардир сузлашув тили булганми, бу ҳам исботини топмаган.

Грамматика куйидаги тартибда тузилган: энг аввал санскрит тили фонетикаси – унли ва ундошлар руйхати, от ва феъллар буйича турли узак, негизлар, турли суз туркумларини тавсифини очиб берувчи грамматик категориялар келтирилган. Шундан сунг санскритдан тортиб урта хинд тиллари оркали то ҳозирги замон Янгихинд тиллари давригача булган тил фактлари бирма-бир ёритиб берилган.

Бу ерда системали ёндашув йук, факат тил эволюцияси натижаси булган айрим-айрим фактлар тарихи берилган. Албатта, уша давр умумий лингвистик қарашларига бу тавсиф услуби мос келган.

«Кириш» қисмида автор шу ареал микёсида тиллар шаклланишининг сабабларини курсатган. Морфологик тузум синтетик шаклидан аналитик шаклига утишини автор атрофда куршаб турган агглютинатив тузумига эга хинд-орий булмаган тиллар таъсири деб ҳисобламайди, балки бу ҳолатни у ички қонуниятлар туфайли деб тушунтиради.

«Фонетика» бобида эса орий булмаган субстрат турли хинд-орий тилларига таъсир курсатмаслиги мумкин эмас, дейди. Шуни айтиш лозимки, морфологик қурилиш уртаҳинд тиллари даврида Айни фонетик узгаришлар: охириги ундошларнинг тушиб қолиши, бир гуруҳ ундошларнинг узгариб кетиши натижасида суз структурасининг морфологик тузумининг аниқ-ойдин эмаслиги қабилар туфайли узгаришга учраган эди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, Бимз грамматикасида қуплаб конкрет қузатишлар ҳулосалари мавжуд. Биринчи булиб у сузнинг фонетик ва морфологик эволюциясида сузнинг ритмик структурасининг аҳамиятини тилга олган. Унинг фикрича, пракритлар ва янгихинд тилларида сузнинг ритми ундош унлини танлашда ҳал қилувчи роль уйнаган. Бу, айниқса, морфологиядаги унлилар тип алмашиб қолиши ҳодисаси учун ҳам жуда аҳамиятли.

Савол ва топшириқлар:

1. Жон Бимз неча хил янгихинд тилини таҳлил қилган?
2. Асос - тил қилиб қайси тил олинган?

3. Ж.Бимз грамматикаси кандай тартибда тузилган?
4. «Кириш» кисмида нималар ёзилган?
5. «Фонетика» кайси масалаларга багишланган?

4 – Мавзу:

«Хёрнле, Грирсон ва Чаттержи яратган грамматикалар»

Мавзу режаси:

1. Хёрнле яратган грамматика.
2. Грирсон яратган грамматика.
3. Чаттержи яратган грамматика.
4. Мазкур грамматикаларнинг ухшаш ва фаркли жихатлари.

Таянч иборлар:

Янгихинд тиллари, унлилар, ундошлар, шаркий гурух, гарбий гурух, диалект, пракрит, шаурасени, дард тиллари, тулкинсимон назария

Бимз грамматикасидан сунг яна бир янгихинд тиллари грамматикаси буйича Хёрнле грамматикаси нашр этилди. Китобда асосан шаркий хиндий диалектлар гурухининг грамматикаси ёритилган. Бу диалектларни тавсифи мобайнида кетма-кет янгихинд тиллари билан киёслашиши утказилган.

Хёрнле грамматикаси Хиндистон лингвистик картасидан бошланади. Бу бежиз эмас. Шаркий хиндий диалектларини ургангач, автор шаркий ва гарбий хиндий гурухи бир-бирдан анча фарк килади, деган хулосага келди. Шаркий гурухга хиндий, банголий, ория; гарбий гурухга – гарбийбхиндий, панжобий, гужратий, синдхий киради. Маратхий гарбийдан кура шаркий гурух билан умумий жихатларга эга. Аммо узига хос белгилари борки, шунинг учун у жанубий гурухга мансубдир.

Юкридаги гурухларга кировчи хозирги замон тиллари қачонлардир бир тил диалектлари булган: магадха шаркий пракрити ва шаурасени гарбий пракрити.

Анна шу икки тил уртасида Шимолий Хиндистон булинган эди. Шу асосда Хёрнле магадхий миграция жараёнининг бир окими тили булиб, у Хиндистоннинг шимоли-гарбий чеккаларигача етиб борган. Кейинги миграция окими эса – унинг тили шаурасени булган, магадхий жануби-шаркка суриб чикарган.

Кейинчалик Хёрнленинг бундай назариясига куп олимлар шубха билдиришди. Факат утган аср 20-йилларида Хёрнле классификацияси Ж.А.Грирсон томонидан куллаб-кувватланди ва лингвистик жихатдан ишлаб чикилди. Грирсон рахбарлиги остида 11 томлик «Хиндистон лингвистик

обзори» китоби яратилди. Бундай йирик асар янгихинд тиллари ва диалектлари, уларнинг таснифига багишланган. У чоп этилиши билан янгихинд тилларини урганишда янги боскич бошланди. Илгари маълум булмаган унлаб тиллар ва шевалар очилди. Хиндистон тилларининг генеалогик классификацияси ишлаб чикилди. Хинд-орий тиллари тушунчасига янада ойдинлик киритилди.

Хинд-орий шахобчасини Грирсон 3 оилага булади: 1) эрон; 2) хинд; 3) дард тиллари. 3-оила – дард тиллари оиласи фикр килинган икки оила уртасидаги уринни эгаллайди. (территориясига кура эса – Кашмир, Чегара районларининг шимоли-гарбий кисми, унга Покистон ва Афғонистон киради).

Яратилган янгилик шундан иборатки, учинчи, яъни дард тиллари оиласи хинд тиллари оиласидан ажратиб, мустакил оила сифатида курсатилган. Хозирги замон дард тилларини бир гурух олимлар, жумладан Ж.Блок, Г.Моргенштерне, Л. Теренерлар хинд-орий тиллари орасида алохида бир гурух килиб курсатадилар.

Грирсоннинг Хёрнленинг тулкинсимон назариясини куллаб-кувватлаш учун янги аргументлар ишлаб чиқишга уринишлари С.К.Чаттержи томонидан каттик танқидга учради. У Грирсонга қарши ишонарли контраргументлар келтира олди. Хинд-орий тилларининг киёсий анализи туфайли Чаттержи улар икки ката қисмга булинади, деган хулосага келди: гарбий гурух (хинд-орий ареалнинг марказий кисми ва шимоли-гарб тиллари) ва шарқий гурух. Гарб тиллари Шарқ тилларига нисбатан купрок консерватив.

Хозирги кунда гарбий гурух тиллари утимли феъллар пасив конструкцияда кулланилади. Айни пайтда шарқий гурух тилларида актив конструкция ҳам шаклланиб булган.

Бундай тақсимлаш асносида Чаттержи географик ориентациясига мувофик равишда бир қатор гурухларни ажратади. Янгихинд тилларини Чаттержи қуйидагича классификация қилади:

А. Гарбий гурух: 1.Шимолий группа (синдхий, лахнда, шарқий панжобий); 2. Гарбий группа (гужратий, ражастоний); 3. Марказий группа (гарбий хиндий);

Б. Шарқий гурух: 4. Шарқий группа (шарқий хиндий, бихарий, ория, банголий, ассамий); 5. Жанубий группа (маратхий).

Хозирги даврда янгихинд тилларининг классификациялаш аввало, янги тил фактларининг тулланиши билан боглик, хусусан, Хиндистон территориясида янгихинд тиллари кам урганилган диалектларнинг тавсифи, асосий хинд-орий ареал ажралиб қолган янгихинд тилларининг тавсифи, Цейлонда сингал тили, циган тили диалектларининг тавсифи, И.М.Оранский томонидан Тожикистон ва Ўзбекистон чегараларида янгихинд тилларидан парьянинг кашф этилиши булса, иккинчидан, янгихинд тилларини тадқиқ этишда янги усулларнинг жорий қилиниши, айниқса, фонология ва морфология соҳасида типологик усуллар кулланила бошлади.

Генетик жихатдан кариндош тилларнинг фонологиясини урганишда типологик методлардан фойдаланиш Чаттержи томонидан 1926 йилда бошланган эди. Бу тилларнинг тадбхава лексикасининг синтагматик модели учун суз бошида ундош фонемаларнинг бирикмаслиги хосдир. Бу жихат уларни хинд-орий тилларидан келиб чиккан янгихинд тилларини энг аввало дравид тиллари билан, ундан сунг Жануби-шаркий Осиё тиллари билан якинлаштиради.

Савол ва топшириклар:

2. Хёрнле яратган грамматика кандай тил муаммоларини ёритган?
3. Грирсон яратган грамматика кандай тил муаммоларини ёритган?
4. Чаттержи яратган грамматика кандай тил муаммоларини ёритган?
5. Генетик жихатдан кариндош тилларнинг фонологияси қачондан бошлаб урганила бошланди?

5 – Мавзу:

«А.Г. Зограф яратган структуравий типологик классификация»

Мавзу режаси:

1. Зограф яратган методика мохияти хусусида.
2. Янгихинд тилларининг морфологик структураси тавсифи.
3. Янгихинд тилларининг структуравий – типологик классификацияси.

Таянч иборалар:

Янгихинд тиллари, флектив, агглютинатив, аналитик тизим, грамматик категория, тил структураси, аффикс, яриманалитик бирикмалар, тил яруслари

Структуравий-типологик киёслаш методикасини янгихинд тиллари материали асосида морфологик жихатдан ишлаб чиккан А. Г. Зограф булади. Авторнинг узи бу услубнинг ахамиятини очик-ойдин курсатиб берган. Киёсий – тарихий метод бир тизимдаги тил элементлари ривожининг қонуниятларини очиб берса, структуравий – типологик метод эса шу тизимдаги муносабатлар ривожининг қонуниятларини курсатиб бера олади, яъни тил структурасининг эволюциясини ёритади. Синхронияни диахрониядан айри қўлламаган ҳолда диахрония билан боғлиқ фактлар синхрон тавсифлаш учун ёки аксинча, синхронияга оид маълумотлар диахроник жараёнларнинг интерпретацияни аниқлаш учун хизмат қилиши мумкин.

Янгихинд тилларининг морфологик структураси тилдаги грамматик категорияларнинг системаси сифатида берилган. Уларнинг киёсланиши бир катор кетма-кетликдаги сатхлар орқали юзага чиқади: баъзи тилларга мансуб грамматик категориялар инвентарининг таккосланиши; улардаги формал ифодаси усулларининг анализи (флектив, агглютинатив, аналитик), шунингдек, уларнинг миқдорий тавсифи; янгихинд тилларида суз шакллари уларни ясовчи аффиксларнинг флектив ёки агглютинатив деб белгиланиши ёки белгиланмаслиги жихатидан бирламчи ва иккиламчи турга бўлинади.

Агглютинатив суз шаклларида функцияси жихатидан эски флектив формаларнинг янги кумакчи сузлар билан ҳосил қилган яриманалитик бирикмалари қиради.

Аналитик формалар уз навбатида уз таркибига кура бирламчи ва иккиламчи бўлиши мумкин. – Иккиламчи деб шаклнинг кумакчи қисми бирдан ортик элементдан иборат бўлса, (масалан, отнинг мураккаб посслелог билан қилиши, мураккаб вербал феълларнинг турлари) иккиламчи деб аташ мумкин. Бу қабил турли аффикслар ва кумакчи элементлар янгихинд тилларидаги от ва феълларнинг турланиши ва тусланишдаги суз узғаришилари тизимининг бир неча ярусини ташкил этади. Янгихинд тилларининг ривождаги умумий йуналиши флектив тизимдан аналитик (тугрироғи, яриманалитик)дан агглютинатив тизимга қараб беради.

Мана шу характеристика асосида янгихинд тилларнинг структуравий-типологик классификацияси таклиф қилинди. У асосий уч гуруҳни уз ичига олади:

- 1) Шимолий хинд (Хиндистоннинг барча янгихинд тиллари, Покистон, Бангладеш, Непал тиллари, Тожикистон ҳудудидаги парья шеваси)
- 2) Цейлон гуруҳи (сингал тили)
- 3) Циган тили шевалари гуруҳи. Уз навбатида шимолий хинд тиллари гуруҳи 3 та гуруҳга бўлинади:
 1. Гарбий (синдхи, маратхий)
 2. Марказий (хиндий, унинг гарбий шевалари, ражастханий ва пахарий диалектлари)

- 4) Шаркий (банголий, ория, ассамий)

Гарбий ва Марказий гуруҳлар узаро узвий боғланиб кетади, улар орасидаги фарқлар сезилар-сезилмас. Мисол учун: панжобий ва гужратий структура жихатидан хиндийга яқин, узидаги баъзи хусусиятларга кура бошқа янгихинд тиллари билан ухшаш томони бор: панжобий шу ареалнинг шимолий тиллари билан, гужратий эса жанубий тиллари билан бир хил жихатларга эга.

Гарбий ва Шаркий гуруҳлар қуйидаги асосий жихатларга эга:

Аввало, а) морфологик белгилар флектив ва аналитик курсаткичлар орқали қуринади.

б) агглютинатив формаларнинг устунлиги.

в) от жинс категориясига эга.

г) сифатлар узгармас ва узгарувчан булади.

д) феълларга утимлилик категорияси хос.

Шундай қилиб, янгиҳинд тилларига киёсий-типологик методни фонологик ва морфологик даражада татбиқ қилиш қуйидаги ҳулосаларга олиб келади:

Хиндистон хинд-орий тилларидан қилиб чиққан янгиҳинд тиллар орасида бир-бирига зид икки гуруҳ бор:

Шарқий ва ношарқий. Уни шартли равишда гарбий деб аташ мумкин.

Шарқий гуруҳларга банголий, ория, ассамий (факат маратхи кирмайд), гарбий гуруҳга эса – қолган барча тиллар қиради.

Савол ва топшириқлар:

1. Структуравий – типологик қиёслаш методикаси нимани англатади?
2. Зограф уз грамматикасида қупрок нималарга ургу берган?
3. Структуравий – типологик классификацияни ёд олинг.

6 – Мавзу: «Ж.Блок яратган грамматика»

Мавзу режаси:

1. Ж.Блок грамматикасининг баъзи хусусиятлари ҳақида.
2. Грамматиканинг «Қириш» қисмида ёритилган масалалар.
3. «Морфология» қисмида қутарилган масалалар.
4. «Фонетика» ва «синтаксис» бобларида ёритилган масалалар.

Таянч иборалар:

Хинд-орий тиллари, дард тиллари, дравид тиллари, Қофиристон тиллари, янгиҳинд тиллари, минтақавий лингвистика

Ҳозирги кунда ҳам уз аҳамиятини йукотмаган, хинд-орий тилларининг қиёсий – тарихий грамматикаси билан боғлиқ асарлардан бири Жюль Блокнинг 1934 йил нашр қилинган «Ведалардан то бизнинг давргача хинд-орий тиллари» ҳисобланади. Уни хинд-орий тилларининг таракқиёт тарихи, қиёсий ва ҳатто типологик жиҳатларини ёритган узига ҳос энциклопедия дейиш мумкин. Авторнинг узи бу асарни янгиҳинд тилларининг қиёсий грамматикаси деб ҳисобламаган. Балки авторнинг мақсади факат уларнинг тарихий тавсифини беришдан иборат бўлган.

Автор хинд-орий тилларига ҳозирги дард тилларини ҳам қиритади. Блокнинг фикрича, кашмири албатта бу гуруҳга қиради. Қофиристон тилларини эса биров шубҳа билан қиритган.

Блокнинг китоби Грирсоннинг «Хиндистон лингвистик обзори» китоби Чоп этилгандан кейин яратилди. Блок яратган асарнинг инглизча нашри чиккунча эса куплаб янгихинд тиллари, уларнинг шевалари синхрон, хатто тарихий жихатдан ёритилиб булинган эди. Демокчимизки, Ж.Блок узидан аввал яратилган грамматикаларнинг муаллифларига нисбатан купрок материални урганиб чиккан эди.

Нафакат хинд-орий тиллари, балки дравид тиллари сохасидаги мутахассис хисобланган Блок хинд-орий тиллари тараккиёти тарихини тиллараро алокалар билан боглик холда куриб чикиб, бир оилага мансуб тилларнинг киёсий-тарихий грамматикага доир масалалар бутун ареал лингвистикаси доирасига хам киритди.

«Кириш» кисмида хинд-орий тиллари ривожининг тарихи боскичларга булиниб, тахлил килинган Кичик – Осиёнинг кадимги тилларидаги орий сузларини Ж.Блок хинд шахобчасига мансуб, деб хисоблайди. Санскрит эса ясама адабий тил деб каралган. Унинг тарихи муайян тил эмас, услублар тарихи деб талкин килинган. Уртахинд тиллари даври лингвистга географик ориентация бобида жуда кам маълумот беради.

Янгихинд тилларининг шаклланиш вакти аник айтилмаган. Шартли равишда бу жараён 10 асрдан кейин бошланади. Хозирги замон янгихинд тилларига мос булган бир ажиб нарса шуки, уларнинг ката территорияда узлуксиз таркалиб бориши ва бунинг натижасида аник лингвистик хадларнинг мавжуд эмаслигидир.

Китобнинг асосий кисми уч бобдан иборат:

Фонетика, морфология ва синтаксис булимлари. Синтаксис булимининг жуда мухтасар эканлиги баъзи тилларнинг тавсифий грамматикаси хам ишлаб чикилмаганлиги билан изохланади.

Берилган материал жуда яхши таксимланган. Асос килиб кадимхинд тили тизими кабул килиб олинган. Кейин бу системанинг вақт мобайнидаги, яъни уртахинд, ундан янгихинд даврларидаги трансформацияси куриб чикилган.

Кадимхинд тилларининг фонетика ва морфологияси кадимги хинд-европа тиллари, аввало веда тилига якин булган Авеста системаси билан киёсланиб берилган. Кейинги эволюция умумий хинд-европа моделидан аста-аста чекиниб, янги хиндча моделларнинг шаклланиши билан характерланади.

Унли ва ундошлар бир-биридан айри холда курилган. Блокнинг таъкидлашича, кадимхинд фонетикасидаги асосий узгаришлар унли ва ундошларнинг узаро кушилиши коидаларининг узгариши туфайли юз берган. Кадимхинд тилларида унлилар ундошлардан мустакил булган булса, ва мухим сифатий ва микдорий характеристикага эга булган булса, уртахинд давридан бошлаб, ахвол кескин узгаради. Бугин сузнинг белгиловчи бирлигига айланиб боради.

Уртахинд тилларида юз берган фонетик узгаришлар туфайли от ва феъл негизларида кучли редукция руй берди. Флексия ходисаси кучсизланиб борди. Блокнинг китобида бу жараёнлар айрим грамматик категориялар –

жинс, сон, от, сифат, олмошларнинг келишиклари узгариш тарихи сифатида тавсифланган.

Хинд-орий тилларининг кадимги флектив тизимдан аналитик, баъзи тилларда эса кейинчалик агглютинатив тизимга караб ривожланиб боришини Блок айникса, феъл оркали ёркин курсатиб берган. Янгихинд тиллари феъли шундай специфик хусусиятга эгаки, тугалланмаган сифатдошнинг бош келишик шакли феълнинг аник формасига эквивалент булиб колди.

Аста-секин янгихинд тилларида тус-замон, модал формаларнинг мураккаб сиситемаси шаклланиб борди.

Синтаксис бобига келсак, Блок янгихинд тилларидаги гап структурасини характерловчи бир катор тенденцияларни ажратиб курсатган: богловчи феълнинг кулланилиши; Суз тартибининг узгармас холга келиши ва хоказолар;

Блокнинг асари хинд-орий тилларининг киёсий-тарихий грамматикасига куйилдиган барча талабларга жавоб берадиган ягона илмий ишдир.

Савол ва топшириклар:

1. Ж.Блок грамматикаси кайси тилларнинг грамматикасига багишланган?
2. Асарнинг «Кириш» кисмида нималар ёритилган?
3. «Фонетика» кисмида кайси масалалар кутарилган?
4. «Морфология» ва «синтаксис» бобларини тахлил килинг.

7 – Мавзу:

«Синдхий, маратхий ва банголий тили грамматикалари»

Мавзу режаси:

1. «Синдхий тили грамматикаси» хакида.
2. «Маратхий тили тарихи» грамматикаси хакида.
3. Чаттержий яратган илмий асарнинг фандаги ахамияти.

Таянч иборалар:

Янгихинд тиллари, фонетик хусусиятлар, морфологик хусусиятлар, маратхий, телугу, каннади, банголий, этимология, минтакавий лингвистика

Янгихинд тилларининг киёсий-тарихий грамматикасига аслида баъзи тилларнинг тарихий грамматикаси манбаъ булган.

Хинд-орий тилларига багишланган бундай грамматикани тузиш анъанаси 19 –асрнинг охирларидан бошланди. Бошлангич кадам Е.Трумпп томонидан куйилди. У «Синдхий тили грамматикаси»ни яратди. Муаллиф

тилдаги бир катор фонетик ва морфологик жихатларни тарихий ривожланишини куриб чиккан. Бу грамматикадан кейин С.Келлоггнинг хиндий тили грамматикаси ёзилди. Келлог грамматикасида адабий хиндий тилининг синхрон тавсифи гарбий ва шаркий гурух диалектлари, шунингдек, ражастханий ва непалий билан киёслаш оркали берилган.

Янгихинд тилларидан булган маратхий тилининг тарихига багишланган «Маратхий тили тарихи» китоби Ж.Блок томонидан ёзилган ва 1920 йилда нашрдан чиккан. У кадимий маратхийда битилган манбалар саосида ёзилган булиб, грамматиканинг барча булимлари кетма-кет куриб чикилган. Маратхийнинг апабхрэншдан тортиб хозирги ҳолатигача етиб келиши асосли ёритиб берилган. Маратхийга кушни булган дравид тилларидан телугу ва коннеди тилларининг курсатган таъсири ҳам назарда тутилган. «Маратхий тарихи» асари бошка янгихинд тилларининг тарихи учун энг яхши намуна булиб хизмат килди.

Ана шундай асарлардан бири банголий тили тарихи булиб, у Ж.Блокнинг шогирди – С.К.Чаттержи томонидан ёзилган «Банголий тилининг келиб чиқиши ва ривожи» китоби ҳисобланади. Блок маратхий тилининг «ботиний» тарихини яратишни мақсад қилиб қуйган бўлса, Чаттержий банголий тили тарихини киёсий-тарихий услуб билан ёритишни кузлади. Бу эса авторни жуда қўп масалалар, айниқса, бундай ишга дахлдор бўлмаган муаммоларни ҳам қўриб чиқишга мажбурлаган. Натижада банголий тили доимо икки планда қўриб борилади: 1) тарихий ривожланишда ва 2) бошка янгихинд тиллари билан киёсий таҳлил асосида. Бундай чуқур ва кенг камровли таҳлил натижасида С.К.Чаттержи китоби тенгсиз деб баҳоланди.

Синтаксис масалалари алоҳида қўрилмасида, аммо бир неча морфология масалаларига боглиқ равишда изоҳ бериб утилган.

Китобнинг 1-боби янгихинд тилларининг киёсий фонетикасига багишланган, айниқса, Чаттержи 30-йилларда тадқиқ этган янгихинд тилларида аспирациядаги оппозиция муаммоси кенг қўриб чиқилган.

Чаттержий китобидан кейин торроқ мақсадларни қуйган Какати, Жха, Тивари, Катрелар каламига мансуб бир неча асарлар яратилди.

Янгихинд тилларини киёсий-тарихий планда урганишда яна бир муҳим аспект – бу шу тилларнинг киёсий ва этимологик лугатларини яратишдир. Бу фаолият Р.Л.Тёрнер номи билан боглиқ. 1931 йилда «Непал тили киёсий ва этимологик лугати» тузилди.

Тёрнер деярли ярим аср мобайнида уз қўчини «Хинд – орий тилларининг киёсий лугати»ни яратишга сарфлади. У 1960 йилда нашрдан чиқди. Бу асар қўшини камрови билан хайратга солади. Сузлик тарихий тамойил асосида яратилган: уз ичига янгихинд тилларида уз аксини топган барча кадимхинд сузларини олади. Кадимхинд ва уртахинд тиллари босқичи исталган давр, исталган жугрофий ва жанр ориентациясига ҳос текстлар, ҳусусан, веда (мантра ва наср), санскрит, эпос, пали, пракрит, Ашока даври ёзувлари, Марказий Осиё ҳудудида топилган будда ёзувлари ҳам киритилган.

Янгихинд боскичи ҳам хайратланарли даражада тил ва шеваларнинг турфа хиллиги билан ажралиб туради. Дард тиллар янгихинд тиллари деб каралиб, мазкур лугатда кенг истеъмол килинган. Эхтиёжга караб бошқа хинд-орий тиллари, хусусан шаркий ареал: эрон, тохар, армани тилларидан ҳам параллеллар жалб килинган.

Тёрнер лугатида янгихинд тиллари этимологияси асослари берилган. Бундан ташкари у баъзи янгихинд тиллари орасида фонетик муқобилликлар қонуниятларини ишлаб чиқиш учун бой материал манбаидир.

Шу ерда Д.П.Паттаянакнинг янгихинд боскичининг шаркий гуруҳи тилларининг қиёсий-тарихий фонетикасини тадқиқ этишга бағишланган китобида 4 та тил таҳлил килинган. Улардан 3таси шаркий гуруҳга мансуб: булар – ория, ассамий, банголий, 4-си – хиндий. У гарбий гуруҳга тегишли. Авторнинг вазифаси шаркий гуруҳ тиллариаро муносибликни урнатишдан иборат эди.

Хулоса сифатида шуларни айтиш мумкин: тадқиқотнинг қиёсий тарихий методи минтақавий лингвистика методлари билан уйғунлашиб кетади. Қадимхинд (веда ва санскрит) тиллари қадимюнон, латин ва бошқа тиллар билан биргаликда тилшуносликда қиёсий-тарихий методнинг шаклланиб, чархланиб боришига хизмат қилган бўлса, янгихинд тилларини урганишда бу метод қўл самара бермас экан.

Савол ва топшириқлар:

2. Е. Трупп яратган грамматика қайси масалаларга бағишланган?
3. «Маратхий тили тарихи»да грамматиканинг қайси бўлимлари қамраб олинган?
4. Чаттержий асарининг аҳамиятини айтиб беринг.